

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-июнда чакана товар айланмаси 5158,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,7 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	5158,6	109,7	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	10,9	133,1	0,2
нодавлат мулки	5147,7	106,8	99,8
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	389,7	128,0	7,5

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-июнда 1828,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,2 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-июнь ойларида 2781,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,2 фоизга ошган.

2017 йил январь-июнда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	5158,6	109,7	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	1828,4	112,2	35,5
Якка тартибдаги тадбиркорлик	2781,5	110,2	53,9

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	---	--

уюлмаган сектор (ташқил этилмаган савдо фаолияти)

548,6

100,0

10,6

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 159,7 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-июнга нисбатан 113,9 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини кўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 8,4 фозга ошди ва 1818,8 минг сўмни ташқил этди (2016 йил январ июн ойиларида 1507,4 минг сўмни ташқил этган).

2017 йил январь-июнда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 4363,9 млрд. сўмни ташқил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1598,6 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 36,6 фоизини ташқил қилди. 2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш 110,2 фоизни ташқил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	4363,8	110,2	100,0
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	88,2	121,5	2,0
молиявий хизматлар	380,0	142,6	8,7
транспорт хизмати	1465,9	105,3	33,6
шу жумладан автотранспорт хизматлари	1405,1	105,0	32,2
яшаш ва овқатланиш хизматлари	194,5	111,6	4,5

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
савдо хизматлари	1385,3	108,3	31,7
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	163,5	109,6	3,7
таълим соҳасидаги хизматлар	65,1	101,7	1,5
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	66,2	112,2	1,5
ижара ва прокат хизматлари	139,5	107,9	3,2
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	109,4	109,8	2,5
бошқа шахсий хизматлар	134,9	108,6	3,1
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	64,1	108,6	1,5
бошқа турдаги хизматлар	107,3	107,4	2,5

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 33,6 фоизи), савдо ва овқатланиш (31,7 фоизи) хизматларига тўғри келади.

Шунингдек, молиявий хизматлар (142,6 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (121,5 фоиз), соғлиқни сақлаш (112,2 фоиз) ва меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (119,6 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-июнда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:

